

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2024 йил декабрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи XXXXXXXX, судья ёрдамчиси XXXXXXXXнинг котиблигида, томонлардан Гулистон шаҳар прокурорнинг катта ёрдамчиси XXXXXXXX, XXXXXXXXлар, жабрланувчи XXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси Гулистон шаҳар “ABSOLVO” адвокатлар ҳайъати адвокати XXXXXXXX, судланувчи XXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси Гулистон шаҳар “НИМОҲАШНІ YULDUZ” адвокатлик бюроси адвокати XXXXXXXXнинг иштирокида, судланувчи XXXXXXXXни айблаш ҳақидаги 1-1201-XXXXXXX-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни,

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: XXXXXXXX (XXXXXXX) 2003 йил 04 май куни Гулистон шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилида эркин гаплашади, таржимон хизматига муҳтож эмас, муқаддам судланмаган, маълумоти ўрта, [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши бўйича судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, давлат айбловчисини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, уларни жиноят иши ҳужжатлари асосида атрофлича муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED]нинг чап қош соҳасига бир маротаба қўли билан уриб, тан жароҳати етказган.

Суд тиббий экспертизасининг 2024 йил 30 июль кунги 929-сонли хулосасига кўра, XXXXXXXXнинг бош мия чайқалиши, чап кўз атрофида қонталаш, чап қош соҳаси эзилиб-йиртилиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлари “соғлиқнинг қисқа муддатли бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати” деб баҳоланган.

Судланувчи XXXXXXXX суд мажлисида, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам XXXXXXXXни Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабининг кўриқлаш хизмати ходими бўлиб бирга ишлаганлиги учун танишлиги, 2024 йил 19 июль куни соат 23:30ларда



XXXXXXX ва XXXXXXXX билан бирга яшаш хонадонининг олдида гаплашиб ўтирганида, XXXXXXXX XXXXXXXXлар телефон аппаратида тортишиб қолишганидан кейин XXXXXXXXдан телефон аппаратини олиб, XXXXXXXXга ўзини босиб гаплашиши кераклигини айтганида, “кимсан” деб, уни турли хил ҳақоратли сўзлар билан ҳақорат қилгани, XXXXXXXX унга 7-сонли мактабда ишда эканини айтганида, боришларини, гаплашиб олишни айтганидан кейин XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар билан биргаликда XXXXXXXXни турли хил ҳақоратли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги учун Гулистон шаҳар 7-сонли мактабга боришганида соат тахминан 01:30лар бўлгани, XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар таксининг пулини бериб келгунга қадар мактабнинг кириш дарварозаси орқали кириб, мактаб биносидан ўтиб, ҳовлига бурилганида ҳовлида мактаб кириш эшигининг ногиронлар йўлакчасининг олдида бўлган бир дона ўриндикда XXXXXXXX ётганини кўргани, XXXXXXXXнинг олдида бориб келганини айтиб, нима мақсадда чақирганини сўраганида, у яна уни турли хил ҳақоратли сўзлар билан ҳақоратлагани ва у билан ётган ҳолатда гаплашишда давом этгани, шу вақтда XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар уни олдида келиб бўлгани, онасини ҳақорат қилгандан кейин чидаб тура олмасдан, ўриндикда ётган XXXXXXXXнинг чап кўзининг атрофига бир маротаба ўнг кўлининг ички қисми билан зарб билан урганида, XXXXXXXX кўзини ушлаб олгани, ўша вақтда XXXXXXXXнинг чап қошининг ости ёрилиб, қонашни бошлагани, уни XXXXXXXX кўлидан ушлаб, орқага тортгани ва XXXXXXXXга уни тутқазиб, ўзи бориб XXXXXXXXни юзини ювиш учун сув чиқиб турган жўмракка олиб боргани, шундан кейин XXXXXXXX билан ярашиб олгани, ярим соатлар бирга гаплашиб ўтиришгани, ўша вақтда XXXXXXXXнинг аҳволи яхши бўлгани, бемолол ўзи ҳаракат қилгани, шундан кейин XXXXXXXX билан бўлган ҳолатдан бир-бирларидан кечирим сўраб, ярашиб олишгани, XXXXXXXXни ўзи уларни кузатиб юборгани, эртасига соат 04:00ларда 7-сонли мактабга қайтиб борганида мактаб директори уларга бўлган ҳолатни айтиб танбеҳ бергани, соат 09:00ларда ҳаммани ота-онасини чақиртиришиб, ота-оналари олдида XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар билан биргаликда XXXXXXXXдан кечирим сўрашгани, XXXXXXXXнинг ота-онаси кечиришмагани, шундан кейин мактаб директори ўринбосари XXXXXXXX исмли шахс билан бирга XXXXXXXXнинг уйига ярашиб олиш мақсадида борганида XXXXXXXXнинг уйдагилари кечиришмагани, шу куни XXXXXXXXни бир ўзи ургани, бирга келган шериклари уларни уриш жанжалига аралашмагани аксинча уларни ажратишгани, бўлган ҳолатлардан жабрланувчи XXXXXXXXдан чин кўнгилдан узр сўраши, бошқа бундай ҳолатлар қайтарилмаслиги, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи XXXXXXXX суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил сентябрь ойдан бошлаб “Пласт Полимир” масъулияти чекланган жамиятида қоровул бўлиб ишлаб келиши, 2024 йилнинг феврал-июнь ойларида Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабида қоровул бўлиб ишлагани, мазкур ишда XXXXXXXX исмли йигит билан ҳам бирга ишлагани, 2024 йилнинг июль ойининг охирларида гуруҳда XXXXXXXX “нима гап” деб ёзган вақтида XXXXXXXXнинг мазкур саволига “Гап аёлларда бўлади” деб жавоб қайтаргани,



шундан кейин орада гап қочгани, 2024 йилнинг июнь ойининг охирларида ишда бўлганида XXXXXXXX унга мазкур деди-деди гаплар билан олдига бир нафар ўртоғи билан келиб, унга тан жароҳати етказиб кетгани, мазкур ҳолат йигитчиликда бўлиб туради деб, тегишли органларга мурожаат қилмагани, мактабнинг орқа томонида фавқулодда чиқиш эшиги кеча-ю кундуз очик туриши, 2024 йилнинг 19 июлдан 20 июлга ўтар кечаси соат 01:30ларда ҳизмат вақтида унга XXXXXXXX кўнғироқ қилиб, ишда ёки ишда эмаслигини сўраганда унга ишда эканини айтгани, айтмоқчи бўлган гаплари бўлса, эртага кўришган вақтларида айтиши мумкинлигини айтгани, шу куни соат 01:40ларда 7-сонли умумтаълим мактабининг кириш эшигидан XXXXXXXX бир нафар ўртоғи билан келгани, 7-сонли умумтаълим мактабининг ҳовлисининг ўрталарига бориб қолганида орқадан “Ойбек ким” деган савол эшитилгани, орқасига қараганида унга нотаниш бўлган шахс келган, қоронғу бўлганлиги боис орқа томонидан келган шахсни танимагани, орқа томонидан келган шахс юзининг чап кўзи атрофига қўли бир маротаба ургани, кейин юзини ушлаб, ерга қоринларини ёпиб ўтириб қолгани, 7-сонли мактабнинг олди томонидан келган XXXXXXXX ва унга кейинчалик таниш бўлган XXXXXXXXлар ҳам қўшилиб, ўртага олиб уриб ташлашгани, уни уришганида XXXXXXXX, унга кейинчалик таниш бўлган XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар уни ерга ўтириб қолган вақтидан фойдаланиб, уни очик қолган биқинларига ва қовурғаларига уриб, тепиб ташлашгани, юзини бекитиб олганлиги боис кимлар уни уриб тан жароҳати етказганлигини билмаслиги, биринчи юзининг чап кўзи атрофига урган вақтидан бошлаб ўзини йўқота бошлагани, зарба натижасида ҳушидан кетиб қолгани, ҳушидан кетиб қолаётган вақтида XXXXXXXX ва унга кейинчалик таниш бўлган XXXXXXXX “XXXXXXX кетдик” деб айтган вақтида, уни урган шахс XXXXXXXX эканини билгани, ҳушидан кетиб қолиб, мактабнинг ўртасида ётиб қолгани, ўзига келиб қараса соат 04:00ларда мактабнинг ўртасида ётган эканини билгани, кейин бориб Миллий Гвардия кўриқлаш хизматини “Хавфсизлик” тугмачасини босган вақтида ишламагани, сўнгра акаси Ҳамдамов Қувончбекга кўнғироқ қилиб, бўлган ҳолатни айтиб бергани, соат 04:15ларга акаси мактабга етиб келганидан кейин Миллий Гвардия ходимлари ва ИИБ ходимлари ҳам келишгани, шундан кейин уни акаси Сирдарё вилояти Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлига олиб борганида шифокорлар керакли ёрдамни кўрсатишгани, шундан кейин XXXXXXXX бир неча маротаба уни олдига келиб, ўртоқларини оналари билан бирга кечирим сўраб кетишгани, 2024 йил 20 июль куни ҳеч кимни уриб, тан жароҳати етказмагани, 2024 йил 20 июль куни XXXXXXXX билан телефон орқали гаплашганида XXXXXXXX билан гаплашмагани, фақат XXXXXXXX билан гаплашгани, чап кўз атрофи қонталашти, чап қош соҳаси эзилиб йиртилиши яраси каби тан жароҳатларни XXXXXXXX ўнг қўли билан мушт қилиб урган вақтида олгани, эксперт ҳулосасида кўрсатилмаган тан жароҳатларини қолган шериклари етказишгани, 2024 йил 20 июль куни суд-тиббий эспертизасига борган вақтида уни оғиз бўшлиқларида ҳам тан жароҳатлари бўлгани, аммо эксперт буни текширмагани, ушбу тан жароҳатларни олганлигини билмаслиги ва ушбу тан жароҳатларни кимлар уриб етказганлигини ҳам билмаслиги,



терговга қадар текширув даврида экспертга фақат XXXXXXXX урганини айтган бўлса-да, лекин уни уч киши бўлиб уришгани, суддан XXXXXXXX ва уни шерикларига нисбатан қонуний чора кўришни, уни умуман кечирмаслигини баён қилди.

Гувоҳ XXXXXXXX суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам XXXXXXXX ва XXXXXXXXларни битта маҳаллада катта бўлганлиги боис таниши, XXXXXXXXни 2024 йил 20 июль куни XXXXXXXX билан уришиб қолгандан бери таниб келиши, 2024 йил 19 июль куни танишлари XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар билан гаплашиб ўтирганида соат 23:30ларда XXXXXXXX телефон аппарати орқали XXXXXXXX билан гаплашгани, гаплашиб турганида бир-бирларига яхши муносабатда бўлишгани, шундан кейин XXXXXXXX XXXXXXXXдан телефон аппаратини олиб, XXXXXXXX билан телефон аппаратида гаплашишни бошлагани, XXXXXXXX телефон аппаратида XXXXXXXX билан турхи хил ҳақаротли сўзлар билан гаплашгандан кейин XXXXXXXXга эътибор бергани, шундан кейин XXXXXXXX XXXXXXXX билан гаплашиб бўлганлигидан кейин XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар такси чақириб, Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабига бориши кераклиги, бирга ўтиб келишлиги, XXXXXXXX билан XXXXXXXX гаплашиб олиши кераклигини айтгани, сўнгра XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар билан бирга Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабига боришгани, борганида таксидан Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабининг кириш эшигидан сал нарига ўтиб тўхташгани, тўхтагандан сўнг таксига пулларни бергани, таксидан тушгандан сўнг XXXXXXXX югуриб мактабнинг ичкарасига кириб кетгани, ўзи эса XXXXXXXX билан бирга секин орқасидан боргани, мактаб биносидан ўтиб, мактабнинг ўртасида мактаб кириш эшиги олдида бўлган ўриндиқда XXXXXXXX ўтиргани ва олдида XXXXXXXX турган ҳолатда бўлганини кўришгани, XXXXXXXX билан бирга XXXXXXXX ва XXXXXXXXни олдида боришгани, XXXXXXXX ўриндиқда ўтирган ҳолда бўлгани, XXXXXXXX эса унинг олдида турган ҳолатда бўлгани, XXXXXXXX қошини ушлаб турганлиги боис уларни ажратиб олгани, XXXXXXXX XXXXXXXXни ажратиб олгани, шундан кейин XXXXXXXXни юзини ювиш учун жўмракка олиб боргани, ўша вақтда XXXXXXXX ўзи бемалол ҳаракат қилиб боргани, улар XXXXXXXXнинг орқасидан боришгани, жўмракнинг олдида боришганидан сўнг, XXXXXXXX ўзи юзларини ювгани, шундан кейин жўмракнинг олдида ҳаммалари гаплашиб ўтиришгани, гаплашиб ўтирган вақтларида XXXXXXXX уни кўлидан тортиб, четга олиб чиқиб, “шу қилган иши тўғрими” деб айтганида, XXXXXXXXни нотўғри иш қилганини айтгани, шундан кейин XXXXXXXX унга бўлган ҳолатда ўзи тушиниб тургани, лекин бу олган тан жароҳатини қариндошлари кўрса нотўғри тушунишини маълум қилганидан кейин улар XXXXXXXX билан бирга 40 дақиқалар гаплашиб ўтиришгани, сўнгра XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар келишиб олганларидан кейин яшаш хонадонларига қайтишгани, эртасига соат 07:30ларда XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар билан бирга 7-сонли мактабга боришгани, борганида мактаб директори ўртоқларини ота-оналари билан гаплашиб турганини кўргани, ўша вақтда XXXXXXXX мактабда бўлмагани, фақат XXXXXXXX ва XXXXXXXXларнинг уйдагилари бўлгани, ўша ҳолатдан



кейин бир маротаба отаси XXXXXXXX билан бирга XXXXXXXXнинг яшаш хонадонига боришгани, борганида XXXXXXXXнинг ўзи бўлмагани, ота-онаси билан гаплашган вақтларида қонуний чора кўрилиши ҳақида айтиб ўтишгани, 2024 йил 20 июль куни соат 01:30ларда 7-сонли умумтаълим мактабида XXXXXXXXга XXXXXXXX бир маротаба уриб тан жароҳати етказгани, XXXXXXXX XXXXXXXXни мушт билан ургани ёки тарсаки туширганлигини анигини билмаслиги, шундан кейин бошқа ҳеч ким XXXXXXXXни уриб тан жароҳати етказмагани, 2024 йил 20 июль куни Гулистон шаҳар 7-сонли мактаб ҳудудида XXXXXXXX XXXXXXXXни уриб тан жароҳати етказганлигини фақат ўзи ва XXXXXXXXлар кўргани, бу ҳолатга бошқа ҳеч ким гувоҳ бўлмаганини маълум қилди.

Суд мажлисида химоячи XXXXXXXX иштирокида сўралган гувоҳ XXXXXXXX ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам 2024 йилнинг бошидан бери Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабида кўриқлаш хизмати ходими бўлиб ишлаб келгани, XXXXXXXX билан бирга Гулистон шаҳар 7-сонли умумтаълим мактабини бирга кўриқлаш хизматида ишлаб келгани, XXXXXXXX билан 2024 йил июль ойининг бошларида гап таллашиб қолгани, сўнгра XXXXXXXX билан келишиб кетгани, 2024 йил 20 июль куни соат 01:00ларда XXXXXXXX билан телефон орқали гаплашаётганида телефонни XXXXXXXX олиб, XXXXXXXX билан гаплашиб ўзини таништирганида, XXXXXXXX танимаганини айтганида, XXXXXXXX “Ии ака танимай қолдингми” деганида XXXXXXXX бу гапларни эшитиб, турли хил ҳақоратли сўзлар билан сўкингани, XXXXXXXX XXXXXXXXга ишхонасига келишини айтиб чақиргани учун XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар бирга таксида соат 01:30 ларда Гулистон шаҳар, Сайқал маҳалласи 7-сонли умумтаълим мактабига бориб, мактабнинг кириш ҳовлисидаги чироқлари ўчгани учун кириш дарвозаси орқали кирганида, XXXXXXXX билан мактаб ҳовлисига юргани, XXXXXXXX XXXXXXXXни мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари хонасида бўлса керак деб ўйлаб, мактабнинг кириш эшигидан киргани, XXXXXXXX билан мактаб ҳовлисига боришганида мактаб ҳовлисидаги ўриндиқда XXXXXXXX ётганини кўргани, О.Хамдомов ўриндиқда ётган ҳолида улар билан кўришаётганида XXXXXXXX мактаб деразасидан ошиб чиқиб, XXXXXXXX ҳам XXXXXXXX билан кўришмоқчи бўлганида, XXXXXXXX ўрнидан турмасдан кўришганида, XXXXXXXX XXXXXXXXга хурматини қилиб келиб кўришаётганини айтганида, XXXXXXXX ҳақоратли сўз билан сўкингани учун XXXXXXXX XXXXXXXXни ётган жойида бир маротаба қўли билан юзига ургани, XXXXXXXX қўллларини мушт қилиб урганми ёки тарсаки урганми кўрмай қолгани, XXXXXXXX XXXXXXXXни урганида, XXXXXXXXнинг юзи ётган ўриндиққа теккан бўлса кераклиги, XXXXXXXXни юзининг чап кўзи атрофида қонаб кетгани, XXXXXXXXни ажратиб олиб, нимага ўзидан каттага қўл кўтараётганини сўраганида, XXXXXXXX унга нисбатан хурматсизлик қилганлиги учун урганини айтгани, XXXXXXXX билан XXXXXXXXни юзини ювиш учун сув оқиб турган жўмракка олиб боришиб, у юзларини ювгани, шу куни XXXXXXXX ўзи яхши, бемаълол ҳаракатланиб юргани, XXXXXXXXга шифохонага олиб боришни сўрашганида, ҳеч нима қилмаганини айтгани, XXXXXXXX



XXXXXXдан кечирим сўраб, бўлган ишлардан узур сўрагани, XXXXXXXX ҳам ярашиб олганлигини айтиб, улар келишиб олиб, ярим соатлар гаплашиб, яшаш хонодонига қайтиб кетишгани, уйига келганида XXXXXXXXнинг акиси кўнғироқ қилиб, нимага укасини уриб кетганини айтиб, Гулистон шаҳар 7-сонли мактабга боришни айтгани учун соат 05:30 ларда яна Гулистон шаҳар 7-сонли мактабига қайтиб бориб, XXXXXXXX ва XXXXXXXXлар билан бирга бирга XXXXXXXXдан кечирим сўрашгани, лекин XXXXXXXX ва унинг уйдагилари уларни кечиришмагани, 2024 йил 20 июль куни соат 01:30ларда 7-сонли умумтаълим мактабида XXXXXXXXга XXXXXXXX бир маротаба уриб тан жароҳати етказгани, XXXXXXXXни XXXXXXXXдан бошқа ҳеч ким уриб тан жароҳати етказмагани, XXXXXXXXдан кечирим сўраганлигини сабаби Миллий Гвардияга ишга кирмоқчи бўлиб юрганлиги учун уни орқасидан жанжал келиб чиққанлиги сабабли бирор бир гап тегмасин деган ниятда инсонийлик юзасидан кечирим сўрагани, лекин XXXXXXXXни шу кунги уриш жанжалда XXXXXXXXдан бошқа ҳеч ким уриб тан жароҳати етказмаганлигини баён қилди.

Суд мажлисида сўралган гувоҳ XXXXXXXX, ҳақиқатдан ҳам 1995 йилдан бери Суд тиббий эксперти бўлиб ишлаб келаётгани, 2015 йилдан бери РСТЭИАМ Сирдарё филиалида ҳар хил лавозимда суд тиббий эксперти бўлиб ишлаб келиши, 2024 йил 20 июль куни фуқаро XXXXXXXXни Гулистон шаҳар ИИБ профилактика инспектори XXXXXXXXни қарорига асосан суд тиббий экспертизасидан ўтказгани, текширув вақтида XXXXXXXXнинг чап кўз қовоқ соҳасида қонталаш бўлиб, ўлчами 7x5 см кўкимтир кўнғир рангда, шишган, чап қош усти соҳасида тикилган яраси бўлиб, узунлиги бироз қонли ажралма ажралгани, битта чок қўйилгани, шу куни XXXXXXXXнинг танасининг бошқа жойлари ва юзаларида тан жароҳатлари топилмагани, XXXXXXXXга якуний ташхис: ёпиқ бош мия жароҳати, бош мия чайқалиги, чап қош соҳаси тикилган яраси, чап кўз атрофи қонталаш ташхиси қўйилгани, номига юритилган касаллик тарихида танасининг бошқа соҳаларида тан жароҳатлари борлиги ҳақида маълумотлар ва ёзувлар йўқлиги, XXXXXXXXни чап кўз атрофи қонталаш, чап қош соҳаси эзилиб-йиртилган яраси ва бош мия чайқалиши каби жароҳатлари мавжудлиги, бу жароҳатлар ўтмас қаттик жисмлар таъсирида, қарорда ва текширилувчи шахс ўзи кўрсатма берган ҳолатда, яъни қўл билан муштлаб уриш натижасида етказилган бўлиши мумкинлиги, 2024 йил 20 июль куни XXXXXXXX экспертиза текширувиге келган вақтида таниши XXXXXXXX кўзига урганлигини айтгани, нотаниш автомашина ҳайдовчиси уларни ажратиб қўйгани, бошқа шахсларни уриб тан жароҳат етказганлигини айтмагани, чунки танасида чап кўз соҳасидаги жароҳатлардан бошқа жароҳатлар бўлмаганлигини баён қилди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жинойт-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорининг 11-бандида, ЖПК 26-моддасига мувофиқ жинойт ишини биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқаётган суд далилларни бевосита текшириши: гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ



қилиши, фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячи адвокатнинг фикрини, судланувчининг кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи XXXXXXXXнинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида тўпланган ҳужжатлар билан, яъни судга оид тиббий экспертизасининг 2024 йил 20 июль кунги 929-сонли хулосаси билан, XXXXXXXX ва жабрланувчи XXXXXXXXлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати баённомаси билан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси билан, жабрланувчи тақдим қилган видеотасвирларни кўздан кечириш баённомаси билан, суд мажлисида тарафларни розилиги билан ўқиб эшиттирилган ишдаги мавжуд далиллар билан ўз тасдиғини топган гувоҳ XXXXXXXX XXXXXXXXжон Раҳмонқуловичнинг дастлабки терговда берган кўрсатмалари билан ҳамда жиноят иши буйича барча тўпланган ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддаси тартибида текширилган ҳамда баҳоланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб суд ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган далиллар ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Суд судланувчи XXXXXXXXнинг жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берар экан, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасдан баданга енгил шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатлари билан ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасдан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарори 3-бандида “Жиноят кодекси 104-110-моддалари бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади.

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилинади” деб, раҳбарий кўрсатма берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли Қарорининг 6-бандида “Судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур”лиги, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Суд юқоридаги Қонун ва Олий Суд Пленум Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, судланувчи XXXXXXXга жазо тайинлашда айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги, ёшлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини, жиноятни ғараз мақсадда содир этганлиги ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, содир этилган жиноятни хусусиятини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш мумкин деб ҳисоблаб, у айбланаётган модда

қисмига доирасида, озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, шунингдек,



унга нисбатан озодликни чеклаш жазоси тайинланаётгани сабабли, қайта жиноят содир қилинишини олдини олиш ва жазо ушбу манзилда ижро қилинишини таъминлаш ҳамда қўлланаётган озодликни чеклаш жазосининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, унинг зиммасига маҳкумни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслик, Сирдарё вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, ҳуқуққа ҳилоф ҳатти-ҳаракатлар билан шуғулланмаслик, жиноят содир этишга моил бўлган шахслар билан мулоқот қилмаслик каби кўшимча тақиқлар (чеклашлар)ни юклашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади” деб кўрсатилган.

Суд шунингдек, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг тушунтиришларига амал қилган ҳолда, ҳукм қонуний кучга киргач, дастлабки тергов давомида ашёвий далил деб топилган, тергов ҳаракатлари акс эттирилган видеоёзувлар сақланган бир дона “DVD-R” дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи **XXXXXXXX (XXXXXXXX)** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан уй-жойини у ёки бу сабаб билан ишлаш, иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда тарк этишни тақиқлаб, 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи **XXXXXXXX**га жазони ўташ даврида қуйидаги тақиқ (чеклаш)лар ҳамда мажбуриятлар ўрнатилсин:

- Гулистон шаҳар ИИБ нинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- ҳуқуққа ҳилоф ҳатти-ҳаракатлар билан шуғулланмаслик;
- спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилмаслик;
- Сирдарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик.



Озодликни чеклаш жазосини ижроси Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи ИИБда ҳисобга кўйилган кундан ҳисоблаб ўтатирилсин.

Судланувчи XXXXXXXX озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ЖК 48¹-моддаси 6-қисмида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи XXXXXXXXга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тергов ҳаракатлари акс эттирилган 1 (бир) дона “DVD-R” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан келгусида тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Сирдарё вилоят судига ўн сутка ичида апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо) XXXXXXXX

“Ҳукм” нусхаси аслига тўғри.

Жиноят ишлари бўйича

Гулистон шаҳар судининг судьяси

XXXXXXXX

